

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БОЛТАЕВ ТИМУР ШАВКАТОВИЧ

**ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАР ЙИРИНГЛИ ЖАРОҲАТЛАРИНИ
КОМБИНИРЛАНГАН ФИЗИК-КИМЁВИЙ УСУЛДА ДАВОЛАШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Болтаев Тимур Шавкатович

Юмшоқ тўқималар йирингли жароҳатларини комбинирланган физик-
кимёвий усулда даволаш

..... 5

Болтаев Тимур Шавкатович

Комбинированный физико-химический метод лечения гнойных ран
мягких тканей

..... 23

Boltaev Timur SHavkatovich

The combined physical and chemical method of
treatment of purulent ras of soft tissues

..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БОЛТАЕВ ТИМУР ШАВКАТОВИЧ

ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАР ЙИРИНГЛИ ЖАРОҲАТЛАРИНИ
КОМБИНИРЛАНГАН ФИЗИК-КИМЁВИЙ УСУЛДА ДАВОЛАШ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3. PhD/Tib439 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институти ва Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ФДБТ А.В. Вишневский номидаги жарроҳлик МТТИда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Сафоев Бақодир Барноевич
тиббиёт фанлари доктори

Борисов Игорь Викторович
тиббиёт фанлари доктори
(Россия Федерацияси)

Расмий оппонентлар:

Щёголев Александр Андреевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Лигай Руслан Ефимович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Кубан давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг 2020й«__» _____соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200100, Уз. Рес., Бухоро ш., Навои шоҳ кўчаси, 1. 10. Тел.: (+99365) 223-00-50; факс: (+99365) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Докторлик диссертацияси билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. () рақами билан рўйхатга олинган. Манзил: 200100, Уз. Рес., Бухоро ш., Навоий шоҳ кўчаси, 1. 10. Тел.: (+99365) 223-00-50; факс: (+99365) 223-17-53. e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» «_____» даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Иноятов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Н.У.Нарзуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори

Н.А.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича жароҳат, шу жумладан, жарроҳлик амалидан кейинги инфекциялари, жарроҳликда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. «Юмшоқ тўқималарнинг ўткир йирингли касалликлари билан оғриган беморлар сони барча хирургик беморларнинг 35-40% ни ташкил этади ва кўпайиш тенденциясига эга»¹. Дунёнинг аксарият мамлакатларида йирингли-септик асоратларнинг камайишига мойиллик йўқ. Жарроҳлик аралашувидаги 42% ўлим оқибатлари йирингли-яллиғланиш билан боғлиқ. Жароҳат инфекцияси билан оғриган беморларни даволашнинг молиявий харажатлари ортиб бормоқда, бу эса жарроҳлик билан даволаниш бюджетига сезиларли даражада путур етказди. «Жарроҳлик инфекцияси учраш даражасининг ошиши яна бир таркибий қисми нозокомиал микрофлоранинг юқори қаршилиқ ва вирулентлигига боғлиқдир»².

Жаҳон миқёсида, жароҳат инфекциясини замонавий тиббий даволаш антибиотиклардан фойдаланишга асосланган. Бироқ, йирингли жарроҳлик патологияси этиологиясида катта рол ўйнайдиган патоген микроорганизмлар юқори вирулентликка, кўп антибиотикларга чидамлик ва биологик ўзгарувчанликка эга. Ҳозирги вақтда мавжуд умумий ва маҳаллий антибактериал дори воситалари уларга етарлича самарали таъсир кўрсатиши, йирингли жароҳатларни даволаш учун энг самарали турли хил маҳаллий дорилар ва жисмоний таъсир усулларни қўллаш, шунинг учун жароҳатларни диметилсульфоксид эритмаси билан даволаш ва аргон плазма оқими билан тозалаш орқали уларнинг самарадорлигини ўрганиш ва юмшоқ тўқима йирингли касалликлари билан оғриган беморларга тиббий ёрдам натижаларини яхшилаш мақсадида клиник амалиётга жорий этиш, ҳамда асоратларни камайтириш мақсадида, ўз навбатида эрта ташхисотни ва касаллик оқибатини яхшилашни талаб қилади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиёт тизимини жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш ва юмшоқ тўқималарнинг йирингли-хирургик касалликларининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли фармонида мамлакатда «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва умуминсонийлигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини яратиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш...»³ белгилаб қўйилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

¹ Третьяков А.А. Лечение гнойных ран / А.А. Третьяков, С.В. Петров, А.Н. Неверов, А.Ф. Щетинин // Новости хирургии – 2015. – Т. 23, № 6. –С. 680-685.

² Липатов К.В. Этиопатогенетические особенности хирургических инфекций мягких тканей / Липатов К.В., Стан Е.А., Введенская О. В., Асатрян А. Г., Удало Ю.Д., Чеканов В. Н.// Хирург – 2013. -№5. –С. 48-54.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» ПФ-4947-сонли фармони.

стратегиясида аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламига уларнинг тўлақонли ҳаётий фаолиятларини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги «Шошинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4985-сонли фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сонли «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги ва ушбу соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жароҳат инфекцияси, шу жумладан операциядан кейинги ва айниқса ятроген инфекция муаммоси 2015 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотида кўриб чиқилган ва 2016 йил сентябр ойида ЖССТ БМТ Бош ассамблеясининг 71-сессиясида барча мамлакатлар ҳукуматларининг антибиотикларга чидамли микроорганизмларнинг тарқалишига қарши курашиш режасини ишлаб чиқирди (Гусаров В.Г., Карпов О.Э., Замятин М.Н., 2017).

XX аср охиридан бошлаб дунёнинг барча мамлакатлари жарроҳлари йирингли-яллиғланиш жараёнлари билан оғриган беморларни даволаш натижаларининг кескин ёмонлашаётганини қайд етдилар. Бу бир қатор сабабларга боғлиқ, буларнинг асосийси жарроҳлик инфекциясининг кўзгатувчиларининг антибиотикларга чидамлилиги ошиши бўлиб, йирингли яллиғланиш касалликлари ва турли хил локализациянинг операциядан кейинги асоратларининг кўпайиши, анъанавий даволанишга қийин ва яроқсиз бўлган жойларни шифохона штаммлари билан қайта тиклаш ҳоллари кўпайиши (World Health Organization. – 2011).

Жарроҳлик инфекция турли хил этиологиядаги жарроҳлик касалликларини жарроҳлик даволашда операциядан кейинги энг кўп учрайдиган асоратлардан биридир - бу назокомиал инфекциянинг барча сабаблари орасида 15-25% ни ташкил этадиган йирингли инфекция. Инфекция ривожланиш частотаси операция турига боғлиқ: тоза жароҳатлар билан - 1,5-6.9%, шартли равишда - 7,8–11,7%, ифлосланган - 12.9–17% ва йирингли - 10–40% ҳолларда ва асосан кўзгатувчиси *S. aureus* бўлиб қолмоқда (Черкасов М.Ф., Галашокян К.М., Лукаш А.И., 2019).

Антибактериал воситалардан фойдаланиш ўткир йирингли жарроҳлик инфекцияси бўлган беморларни ҳар томонлама даволашнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ҳозирги вақтда, афсуски, антибиотиклар беморларнинг 30

фоизида аллергия, анафилактик шокгача бўлган ҳалокатли оқибатларга олиб келадиган нохуш реакциялар ва асоратларни бошдан кечираётганлиги аниқланди, шунингдек антибиотикларнинг турли органлар ва тизимларга токсик таъсири ҳам кузатилмоқда (Охунов А.О., Пулатов О.И., Охунова Д.А., 2018). Дания олимлари (Axloufi H., Strefkerk R.X., Melles D., 2015) Даниянинг энг йирик университет касалхоналаридан бирида ўтказилган тадқиқот натижаларига биноан, клиникада антибиотиклардан ўринсиз фойдаланиш частотаси 29,3% ни ташкил этганини кўрсатди. Олимларнинг катта гуруҳи (Uhlemann, A.-C.a, Otto, M.b, Lowy, F.D.a, DeLeo, F.R., 2014), инфекцияларнинг юқори тарқалиши шунингдек, антибиотикларга чидамлилиги билан кучаяди ва йирингли жароҳатларни даволашда муҳим муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистонда юмшоқ тўқималарнинг ўткир йирингли жарроҳлик касалликлари бўлган беморларга жарроҳлик ёрдами тизимли равишда ташкил етиш, жароҳатларнинг ташхиси, даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди (Охунов А.О., 2015). Йирингли инфекцияни (сепсис) ҳолатларининг кўпайиши, шунингдек, унинг оғир кечиши нафақат жарроҳларни, балки бошқа мутахассислик шифокорларини ҳам бу муаммони ҳал қилишга мажбур қилмоқда. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда умумий жарроҳлик профилактикаси бўлган беморлар орасида йирингли-септик касалликлар улуши қарийиб 30% ни ташкил қилади (Бабаджанов Б.Д., 2017). Ташхис қўйишда қийинчилик туғдирмайдиган юмшоқ тўқималарнинг йирингли яллиғланиш касалликлари категорияси билан бир қаторда, амбулатория ёрдамида даволанган ҳолатларнинг аксарият қисмида некротик касалликларнинг алоҳида турлари мавжуд, уларнинг клиник кечиши жуда оғир ва юқори ўлим билан бирга келади, адабиётга кўра 66 дан 76% гача (Охунов А.О., 2018).

Охирги маълумотларга асосланиб, юмшоқ тўқималарнинг йирингли яраларини даволашнинг содда ва самарали усулларини излаш давом этаётганлигини ва даволашнинг энг яхши натижаларини жисмоний ва кимёвий усулларни биргаликда қўллаш орқали олиш мумкинлигини кўрсатди. Жароҳатларни диметилсульфоксид билан санитария қилиш ва йирингли яраларни даволаш учун жароҳатларни плазма оқимлари билан даволаш ғояси янги эмас. Аммо, бугунги кунга қадар бундай комбинация фаол қўлланилмади ва яраларни маҳаллий даволашда унинг самарадорлиги масаласи ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан мослиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг 02.2018.PhD.013-сонли «Бухоро минтақасида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янги ёндашиш йўллари ишлаб чиқиш (2017-2021й.)» илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади юмшоқ тўқима йирингли касалликлари билан оғриган беморларда жароҳатни даволашнинг комбинирланган физик-кимёвий усулини қўллаш орқали даволаш натижаларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

юмшоқ тўқима йирингли касалликлари билан оғриган беморларни анъанавий даволаш усули самарадорлигини баҳолаш;

микроорганизмларнинг госпитал штаммларига нисбатан диметилсульфоксид эритмасининг оптимал самарали бактерицид концентрациясини аниқлаш (in vitro);

юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари бўлган беморларни анъанавий даволаш усули тадқиқоти натижалари ва 25% ли диметилсульфоксид эритмаси билан комбинацияланган физик-кимёвий усул билан жароҳат санация ҳамда аргон плазма оқими билан тозалаш, шунингдек уларни бирга қўллашни қиёсий таҳлил қилиш;

ўтказилган текширишларнинг қиёсий таҳлилини ҳисобга олган ҳолда йирингли юмшоқ тўқима жароҳатлари бўлган беморларда оптимал даволаш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объекти ёндош патологиясиз ва жароҳат жараёнлари асоратсиз кечган тери ва юмшоқ тўқима ўткир йирингли касалликлар билан оғриган 182 нафар 2012-2019 йиллар давомида Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази йирингли жарроҳлик бўлимида ва Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ФДБТ А.В. Вишневский номидаги жарроҳлик МТТИнинг «Жароҳатлар ва жароҳат инфекциялари» бўлимида даволанган беморлар бўлди.

Тадқиқот предметини юмшоқ тўқималарнинг йирингли жарроҳлик касалликлари бўлган беморларда йирингли жароҳатларни даволаш учун маҳаллий комбинацияланган физик-кимёвий усулни ишлаб чиқиш ташкил этади. Турли хил микроорганизмлар штаммлари ўрганилди. Клиник материал олиш усули биопсия интраоперацион материал, шунингдек жароҳат намунаси бўлди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш учун қуйидаги тадқиқот усулларидан фойдаланилди: жароҳат жараёнининг динамикада интоксикация белгиларини, биокимёвий кўрсаткичлар ва жароҳат битиш тезлигини динамикада баҳолаш, бактериологик, цитологик ва статик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

экспериментал ва клиник тадқиқотлар орқали йирингли жароҳатлар билан оғриган беморларни даволаш учун диметилсульфоксид эритмасининг максимал самарали концентрацияси аниқланди;

аргон плазма оқими кимёвий препарат диметилсульфоксиддан фарқли асосан репаратив жараёнга таъсир қилиши ва жароҳатни тозалаш муддатига кўра ундан 1,5 кун чўзилиши кўрсатилди;

экспериментал ва клиник тадқиқотлар асосида диметилсульфоксид эритмаси ва аргоннинг плазма оқимларини маҳаллий қўллаш самарадорлиги,

шунингдек, йирингли-некротик юмшоқ тўқима касалликлари билан оғриган беморларни комплекс даволашда уларнинг комбинацияси ўрганилди;

юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари билан оғриган беморларни биргаликда физик-кимёвий даволаш усулини қўллашнинг оптимал схемаси ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

аргоннинг плазма оқимлари инфекцияланган жароҳатларга физик таъсир кўрсатишда самарали усули эканлиги аниқланди;

жароҳатни инфекциядан тозалаш вақтини тезлаштириш мақсадида маҳаллий жароҳат санацияси учун диметилсульфоксид эритмасининг оптимал дозаси ишлаб чиқилди;

диметилсульфоксиднинг 25% концентрациядаги эритмаси максимал бактерицид таъсирга эга эканлиги исботланди;

экспериментал ва клиник тадқиқотлар орқали диметилсульфоксид эритмаси ва аргон плазма оқимларининг биргаликда маҳаллий қўлланилиши турли этиологияларнинг йирингли юмшоқ тўқималари жароҳатларида кўрсатилганлиги аниқланди;

тадқиқотлар натижасида юмшоқ тўқима йирингли-некротик касалликлари билан оғриган беморларни даволашнинг оптимал усули ишлаб чиқилди;

диметилсульфоксид эритмаси ва аргон плазма оқимларининг биргаликда ишлатилиши жароҳат жараёни фазаларининг ўзгаришини тезлаштирди ва шу тариқа йирингли жароҳатлар билан оғриган беморларни даволаниш кунларининг 4 кунга қисқаришига олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, амалиётда кенг қўлланиладиган клиник, лабораториявий ва инструментал тадқиқот усулларида фойдаланганлиги билан тасдиқланади. Барча олинган натижа ва хулосалар тиббиётда исботланган тамойилларга асосланган. Статистик қайта ишлаш олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олинган хулоса ва таклифлар ўзининг назарий аҳамиятига эга бўлиб, йирингли хирургик юмшоқ тўқима касалликлари билан оғриган беморларда жароҳатларни маҳаллий даволашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшади. Илк марта йирингли жароҳатли беморларни даволаш учун диметилсульфоксид эритмасининг максимал самарали концентрацияси экспериментал ва клиник тадқиқотлар билан аниқланди. Диметилсульфоксид эритмаси ва аргон плазма оқимларини маҳаллий қўллаш самарадорлиги ҳамда йирингли-некротик юмшоқ тўқима касалликлари билан оғриган беморларни комплекс даволашда уларнинг комбинацияси ўрганилди. Юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари билан оғриган беморларни қўшилган физик-кимёвий даволаш усулини қўллашнинг оптимал схемаси ишлаб чиқилди. Ушбу тадқиқотнинг алоҳида натижалари патогенез, клиника, диагностика ва жароҳатларни маҳаллий даволаш билан боғлиқ мавзулар

бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим бўлимлари ўқув дастурларининг мазмуни ва тузилишини такомиллаштириш имконини беради.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, жароҳатни инфекциядан тозалаш вақтини тезлаштириш мақсадида маҳаллий жароҳат санитарияси учун диметилсульфоксид эритмасининг оптимал дозаси ишлаб чиқилган. Диметилсульфоксид эритмаси ва аргон плазма оқимларининг биргаликда ишлатилиши жароҳат жараёни фазаларининг ўзгаришини тезлаштиради ва шу билан йирингли жароҳатлар билан оғриган беморлар даволаш кунларининг қисқаришига сабаб бўлади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Беморларда юмшоқ тўқималар йирингли жароҳатларини комбинациялашган физик-кимёвий усулда даволаш чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Беморларда юмшоқ тўқималар йирингли хирургик касалликларида жароҳатларни даволаш усули» мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 6 декабрдаги 8н-р/568-сонли маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома беморларда юмшоқ тўқималар йирингли жароҳатларини комбинациялашган физик-кимёвий усулда даволаш чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган жарроҳлик амалиёти асоратларининг олдини олиш имконини берган;

«Беморларда юмшоқ тўқималар йирингли хирургик касалликларидаги жароҳатлар динамикасини баҳолаш усули» мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 6 декабрдаги 8н-р/570-сонли маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома юмшоқ тўқималарининг хирургик йирингли жароҳатларини баҳолаш имконини берган;

Тадқиқот давомида ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш борасида олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази йирингли хирургия бўлими, Бухоро шаҳар клиник шифохонасининг клиник ва даволаш амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 27 майдаги 8н-з/32-сонли маълумотномаси). Амалиётда тажрибавий ва клиник тадқиқотлар орқали диметилсульфоксид эритмаси ва аргон плазма оқимларининг биргаликда маҳаллий қўлланилиши турли этиологияли йирингли юмшоқ тўқималар жароҳатларида қўллаш самарадорлиги аниқлаб, тадқиқотлар натижасида юмшоқ тўқима йирингли-некротик касалликлари билан оғриган беморларни даволашнинг оптимал усули ишлаб чиқилди, диметилсульфоксид эритмаси ва аргон плазма оқимларининг биргаликда ишлатилиши жароҳат жараёни фазаларининг ўзгаришини тезлаштирди. Шу тариқа йирингли жароҳатлар билан оғриган беморларни даволаш кунларини 3 кунга қисқаришига олиб келди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 илмий–амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 1 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жароҳатлар ва жароҳат инфекцияси муаммосига оид замонавий қарашлар**» номли биринчи бобида сўнгги адабиётлар таҳлил қилинган, жумладан, жароҳатнинг битиш жараёни, жароҳат жараёнларига таъсир этиш усулларига оид замонавий қарашлар баён этилган. Аргоннинг плазма оқимлари ва диметилсульфоксид кимёвий препаратининг жароҳатларни даволашдаги роли муҳокама қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ва даволаш материали ҳамда усуллари**» номли иккинчи бобида беморларнинг клиник хусусиятлари берилган ва беморларни даволаш воситаси ва усуллари, клиник-лабораториявий ва инструментал тадқиқот усуллари баён этилган.

2012-2019 йилларда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази йирингли жарроҳлик бўлимида ва Россия ССВ ФДБТ А.В.Вишневский номидаги жарроҳлик ИТТМ нинг «Жароҳатлар ва жароҳат инфекциялари» бўлимида турли этиологияли йирингли юмшоқ тўқима жароҳатлари билан даволанган 182 нафар беморни текшириш ва даволашга оид маълумотлар таҳлил қилинди.

Барча беморлар даволаш усулига қараб 2 гуруҳга ажратилди: I – таққослаш гуруҳи ва II – асосий гуруҳ. Асосий гуруҳ, ўз навбатида, тадқиқот вазифалари ва қўлланилган даволаш чора-тадбирларига қараб, учта кичик гуруҳчага бўлинди: анъанавий даволаш усулига кўшимча равишда диметилсульфоксид эритмали аппликация олганлар (IIА гуруҳчаси), жароҳатлари аргон плазма оқимлари билан даволанганлар (АПП) (II Б гуруҳчаси) ёки уларнинг иккаласини ҳам олганлар (II В гуруҳчаси).

Таққослаш гуруҳидаги беморларга жароҳатлар антисептиклар – 3% ли водород пероксиди эритмаси, 0.02% ли фурацилин эритмаси билан санация

қилинғач, маҳаллий даволаш учун левомекол суртма сурилган дока боғлами қўйилган. Жароҳатлардан чиқадиган микрофлоранинг сезгирлигини ҳисобга олиб, тизимли антибиотик терапия, дезинтоксикацион терапия ҳамда симптоматик даволаш ўтказилган.

II А гуруҳчасида йиринг ўчоғига жарроҳлик йўли ишлов берилганидан сўнг юқорида айтиб ўтилган анъанавий даволаш усулига қўшимча равишда жароҳатга 25%ли диметилсульфоксид эритмали бойлам қўйилади. II Б гуруҳчасида I таққослаш гуруҳидаги беморларга қўлланган юқорида кўрсатилган анъанавий даволаш усуллари билан ташқари қўшимча равишда плазморан қурилмаси ёрдамида аргон плазма оқимлари билан жароҳатларни даволаш амалга оширилди. II В гуруҳчасидаги беморларда эса йиринг ўчоғи жарроҳлик йўли билан даволангандан сўнг 25% ли диметилсульфоксид эритмаси ва плазма аргон оқимлари биргаликда қўлланди.

1967 йил 24 февралда Фармакология қўмитаси диметилсульфоксидни клиник ўрганишга рухсат берди, 1971 йил 23 июнда тиббиёт амалиётида, шунингдек, тери ва йирингли жароҳатларни даволашда қўллашга рухсат берган. Россияда дори «димексид» номи билан машҳур (Фармакология қўмитаси номенклатура комиссияси томонидан 1967 йил 31 мартда тасдиқланган). Чиқариладиган шакли: дори 100% 100 ва 50 мл ли флаконларда. Хорижда бу дори Infiltrina, Dolicur, Somipront, Domo, Dermasorb, Damul, Deltan, Mastan номлари билан, шунингдек, бошқа моддалар билан аралаш ҳолда ишлаб чиқарилади.

Диметилсульфоксид даволовчи эритмасининг 25% ли концентрациясини олиш учун уни 1: 3 нисбатда 0,9% ли натрий хлорид физиологик эритмаси билан эритилган. Йирингли ўчоққа жарроҳлик йўли билан ишлов берилганидан сўнг 25% ли диметилсульфоксид эритмаси билан ювилган, жароҳат юзаси намланган дока билан ишлов берилди. Барча босқичлар тугагандан сўнг жароҳатга 25%ли диметилсульфоксид эритмаси билан намланган газлама қўйилган. Устидан ҳар куни 1 мартаба асептик дока билан боғланди.

Жароҳатларни даволаш учун Плазморан плазма-ёйли жарроҳлик аппарати «Плазмопром» МЧЖ компанияси томонидан ишлаб чиқилган. Ускуна 2016 йилда РФ тиббиёт маҳсулотлари рўйхатида қайд этилган. Асосий гуруҳдаги беморларда нурланиш манбаи сифатида плазморан плазмали скальпели қўлланган (ускунанинг ишчи танаси – газ аргон).

Жароҳат жараёнининг умумий ва маҳаллий кечиши динимикасини баҳолашда интоксикация белгилари, биокимёвий кўрсаткичлар ва жароҳат битиш тезлигини динамикада баҳолаш. Бактериологик ва цитологик усуллардан фойдаланилган.

Бактериологик текширувлар жароҳатдан чиққан моддани олиш, жароҳат микрофлорасини миқдорий ва сифат жиҳатдан аниқлаш, унинг антибактериал дориларга сезгирлигини аниқлаш орқали амалга оширилган. Анаэроб бактерияларни ажратиш олиш учун В. М. Кочеровец ва ҳаммуаллифлари таклиф этган усул қўлланди. Микробиологик тадқиқотлар учун бирламчи материал сифатида йирингли жароҳатлардан чиққан экссудат

текширилди. Унинг бир қисмини учкомпонентли газдан иборат стерил транспорт флаконига жойлаштирилди. Газ азот (80%), карбонат ангидрид (10%), водороддан (10%) иборат. Материалнинг бир қисмини стандарт методика бўйича аэроблар бор-йўқлиги жиҳатдан текширилди. Ундан ташқари, шу ернинг ўзидаёқ операция хонасида экспресс-бактериоскопия учун Грамм бўйича бўялган суртма тайёрланди. Транспорт флакони бактериологик лабораторияга етказиб берилди. Ультрабинафша нурларда анаэробларнинг флуоресценция хусусиятлари ўрганилиб, экишга киришилди.

Тоза культураларни ажратиб олиш ҳамда натив материал анаэроб микрофлорасининг миқдорий характеристикаси учун экиш ишлари Т. С. Gould методикаси бўйича бажарилди.

Аэроб бактериялар сезгирлиги зич озуқа муҳитида стандарт дисклар диффузияси усулида, анаэроб микроблар эса –агарда диффузиялаш усули билан аниқланган.

Цитологик кўрсаткичлар М. П. Покровский ва М. С. Макаров усулларида аниқланган. Некротик қават ва дори аралашмалари олиб ташлангач, битта жой 2 марта нусха қилинган. Жараён динамикаси ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлиш мақсадида хужайра таркиби фоизларда ифодаланган, преператнинг турли жойларидан 100 дан 300 гача бўлган хужайралар санаб чиқилган.

Барча беморларда жароҳат экссудати ўзгаришдаги рН – метрияси амалга оширилган.

Эндоген интоксикация даражаси тўлқин узунлиги 210 нм бўлган спектрометрия орқали ўрта молекуляр пептидлар (ЎМП) ҳажмига кўра баҳоланди.

Шунингдек, диметилсульфоксид микробиологик фаоллиги лаборатор ўрганилди, *in vitro* патоген микроорганизмларига нисбатан максимал бактерицид натижалари оптимал концентрацияси аниқланди.

Материалнинг статистик қайта ишланиши. Олинган натижалар вариацион статистика усулида математик қайта ишланди. Вариацион статистика усулида турли қийматларда (Р) ўртача арифметик қиймати (М), хатоси ($\pm m$), 95% ишончилилик интервали ИИ, Стьюдент мезони (t) аниқланди.

Диссертациянинг «**Юмшоқ тўқималар йирингли касалликларни анъанавий усулда даволаш натижалари**» деб номланган учинчи бобида юмшоқ тўқималар йирингли касалликлари бўлган беморларни анъанавий усулда даволаш самарадорлиги кўрсатилган.

1-гурухга юмшоқ тўқималари йирингли касалликлари бўлган 72 нафар бемор киритилди. Улардан 49 (68,1%) нафарида турли этиологияли йирингли жароҳатлар, 23 (31,9%) нафар беморда эса – операциядан кейинги йирингли жароҳатлар бўлган. Касалхонага келганда барча беморларнинг жароҳатлари I босқичда бўлган. Касалхонага келиб тушган куни барча беморларнинг йирингли ўчоқлари очилган.

Касалхонага келиб тушганда беморларнинг умумий ҳолати аксарият ҳолларда ўртача оғирликда ва оғир даражада бўлган. Клиник-лаборатория

маълумотларига кўра умумий интоксикация белгилари етакчилик қилган: тана ҳарорти кўтарилиши ёки турғун субфебрилитет, оқарганлик, камҳаракатлилик, тахикардия, пуль пастлиги, қонда ЭЧТ (эритроцитларнинг чўкиш тезлиги) ортиши, лейкоцитоз ва формуланинг чапга силжиши кузатилган. Умумий симптоматика билан бирга касалликнинг маҳаллий белгилари: гиперемия, жароҳат атрофи тўқималари шиши ва инфильтрацияси қайд этилган. Пайпаслаганда чуқур оғриқ ҳис қилинган. Операциядан кейинги йиринг асоратлари бўлган беморларда чоклар олинганда жароҳатлардан кўп миқдорда йиринг чиққан.

Юмшоқ тўқималари йирингли касалликлари бўлган беморларнинг барчасига касалхонага келиб тушган кундан эътиборан шошилиш тартибда йиринг ўчоғини очиш операцияси бажарилган, йиринг бошлиғига 3%ли водород пероксиди антисептик эритмаси билан ишлов берилган, кунига бир маҳал левомеколь суртмаси сурилиб, устидан асептик дока бойлами қўйилган. Йиринг жароҳатларини даволашнинг асосий тамойилларига амал қилинган, жароҳат микрофлораси сезгирлигини ҳисобга олиб, тизимли антибиотикотерапия бажарилган. 80% дан ортиқ операциялар маҳаллий оғриқсизлантириш йўли билан амалга оширилган.

Юмшоқ тўқималари йирингли жароҳатлари бўлган 1-таққослаш гуруҳи беморлар организмнинг интоксикация кўрсаткичлари таҳлили куйидаги ўзгаришларни кўрсатди (1-жадвал). Жадвалдан кўриниб турганидек, даволашнинг дастлабки суткаларида беморларнинг тана ҳарорати ўртача ҳисобда $38,9 \pm 0,4$ °С ни ташкил этди. Қон лейкоцитлари миқдори ўртача ҳисобда $9,6 \pm 0,5 \times 10^9$ /лга тенг бўлган. Ўртача молекулалар ҳажми ўртача ҳисобда $0,196 \pm 0,018$ бирликни ташкил этган. Шунга муқобил равишда ИЛИ ва ЭЧТ ортиши кузатилган.

Даволашнинг бешинчи суткасига келиб, юмшоқ тўқималари йирингли касалликлари бўлган беморларнинг таққослаш гуруҳида оз миқдорда субфебрилитет ($37,2 \pm 0,16$ °С) сақланиб турди. Шу билан бирга организм интоксикациясининг барча кўрсаткичларига кўра: қон L (лейкоцит), ЎМП (ўрта молекуляр пептидлар), ИЛИ (лейкоцитар заҳарланиш индекси) ва ЭЧТ кўрсаткичларининг пасайиши қайд этилган, яъни нормаллушв тенденцияси кузатилган: мос равишда $7,4 \pm 0,29 \times 10^9$; $0,156 \pm 0,007$; $1,7 \pm 0,07$; $33,3 \pm 1,33$. Даволашнинг еттинчи суткасига келиб, бу рақамлар келгусида пасайишга мойил бўлса-да, меъёрдан ортиқ миқдорда сақланиб турди.

Даволаш ва кузатиш давомида ўнинчи суткага келиб, қонда ЭЧТ дан ташқари интоксикациянинг таҳлил қилинаётган барча кўрсаткичлари меъёр даражасида бўлган.

1-жадвал.

I таққослаш гуруҳидаги юмшоқ тўқималари йирингли касалликлари бўлган беморларда интоксикация кўрсаткичлари динамикаси (n=72)

Кўрсаткич	Кузатиш муддати
-----------	-----------------


ар	Келиб тушган куни	3-кун	5-кун	7-кун	9-10-кун
t ⁰ тана	38,9±0,48	37,7±0,14*	37,2±0,16*	36,9±0,14	36,5±0,10*
L қон ×10 ⁹ /л	9,6±0,41	8,2±0,35*	7,4±0,29	7,0±0,29	6,5±0,30
ЎМП ед	0,196±0,009	0,163±0,007**	0,156±0,007	0,13±0,005**	0,104±0,004***
ИЛИ ед	2,2±0,09	1,9±0,09*	1,7±0,07	1,6±0,07	1,2±0,05***
ЭЧТ мм/с	43,6±1,84	37,4±1,54*	33,3±1,33*	27,6±1,14***	15,4±0,70***

Изох: * - аввалги суткалар кўрсаткичларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001)

Беморларда жароҳат жараёнлари ўзгаришларини баҳолашнинг навбатдаги мезонлари қуйидагилар бўлди: жароҳат муҳити рН си, жароҳат юзаси сатҳининг камайиш фоизи ва М. Ф. Мазурик бўйича ПК кўрсаткичлари. Таҳлил қилинаётган гуруҳдаги беморларда келиб тушган куни жароҳат муҳити рН бошланиш кўрсаткичи ишончли тарзда пастрок бўлган (ацидоз) ва ўртача ҳисобда 4,4±0,18ни ташкил этган. Экссудат оксили ўртача ҳисобда 59,3±1,61 г/л га тенг бўлган. Бунда ПК ўртача 1,0±0,01 бирликка эга. Еттинчи суткага келиб ПК 1,5±0,02га тенг бўлган, жароҳат сатҳи эса бир суткада ишончли равишда 3,5±0,16%га пасайди. Бунда жароҳат муҳитининг рН ўртача ҳисобда 5,6±0,22га тенг бўлган. Даволашнинг ўнинчи суткасига келиб жароҳат муҳитининг рН си нейтрал бўлган. Жароҳат юзаси сатҳининг камайиши бир суткада 3,5±0,16%га тенг бўлди. Жароҳатдан экссудат чиқиши тўхтаган, бизнинг фикримизча, бу жароҳат жараёнининг 1-босқичдан 2-га ўтиши билан боғлиқ.

Жароҳат жараёнини баҳолашнинг характерли мезонларидан бири микробнинг уруғ қўйиш даражаси, микрофлора таркиби ва жароҳатни тозалаш муддатларини аниқлаш бўлган. 1-таққослаш гуруҳидаги юмшоқ тўқималари йирингли касалликлари жароҳатси бўлган беморларнинг жароҳат ўчоғидан олинган экссудатдан экилган микрофлоранинг аниқланган таркиби 1-расмда келтирилган.

Аксарият ҳолларда 31(43,1%) нафар беморда патоген стафилококк экилган, улардан 14 (19,4%) тасида монокультура шаклида ва 17 (23,6%) да ассоциация шаклида экилган. 28 та кузатилган ҳолда ичак таёқчалари экилган, у 10 (13,9%) % ҳолатда монокультура ва 18 (25,0%) да микробли ассоциация шаклида бўлган. Аниқланиш частотасига кўра навбатдагиси протей бўлган: 16 нафар жами кузатилганлардан 7 (9,7%) та ҳолатда монокультура шаклида ва 9 (12,5%) тасида микробли ассоциация таркибида аниқланган. Кейинги ўринларда энтерококклар бўлган, улар 14 та ҳолатда аниқланган, 7 (9,7%) тадан монокультура ва ассоциация кўринишларида, стрептококклар 6 та ҳолатда кузатилган, 4 (5,5%) таси монокультура ва 2 таси (2,7%) ассоциация кўринишида. Кўк йирингли таёқча 2 (2,7%) та беморда монокультура ҳамда 1 (1,4%) тасида микробли ассоциация таркибида экилган.



1-расм. Таққослаш гуруҳидаги йирингли касалликлари бўлган беморларнинг жароҳатлари экссудатидан экилган микрофлоранинг таркиби

Ушбу гуруҳдаги беморлар йирингли жароҳатлари микробли учраш даражасининг назорати қуйидагиларни аниқлади: келган куни микробли кўрсаткич ўртача ҳисобда 10^8 мт/гни ташкил этган, кейинги кунларда жароҳат жарроҳлик йўли билан тозаланиб, суртмали боғлам қўйилгач, унинг кўрсаткичлари 10^5 мт/гни ташкил этди. Комплексли даволашнинг 4-кунига келиб, ушбу беморларда микробли уруғланиш даражаси критик даражадан паст бўлган ва тўқиманинг 10^2 мт/г қисмини ташкил этган.

Диссертациянинг «**in vitro** даги диметилсульфоксид эритмасининг оптимал бактерицид концентрациясини аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида диметилсульфоксид эритмасининг турли концентрацияларини патоген микроорганизмларга тажрибада (*in vitro*) таъсири келтирилган.


Йирингли жароҳатларни маҳаллий даволашда, "Левомиколь" малҳамидан фойдаланиш тўлиқ қониқарли натижалар бермади. Бу бизни маҳаллий даволашнинг қўшимча самарали ва кенг тарқалган усулини излашга ундади. Ушбу усуллардан бири микрофлоранинг сезувчанлик муаммосини келтириб чиқармайдиган маҳаллий даволаш учун кимёвий препаратлардан фойдаланишдир. Шу мақсадда, юқорида кўрсатилгандек, диметилсульфоксид эритмасининг маҳаллий қўлланилиши афзал кўрилди.

Ушбу вазифани ҳал қилиш учун клиник амалиётда қўллаш имконини берадиган лаборатория тадқиқотлари ўтказилди. Тажриба ўтказишдан мақсад диметилсульфоксиднинг микробиологик фаоллигини лаборатор ўрганиш ва *in vitro* патоген микроорганизмларга нисбатан максимал бактерицид таъсири билан унинг оптимал концентрациясини аниқлаш эди.

Патоген микроорганизмларни Петри идишларидаги озукавий агарда экиш 10^{10} мт / мл суюлтиришда амалга оширилди.

1- тажриба серияларида ўтказилган экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатдики, диметилсульфоксид эритмасини 10^{10} мт / мл суюлтиришда патоген

микроорганизмлар билан уруғланган озука агарига таъсир кўрсатганда, 24 соат таъсир этиш билан диметилсульфоксид эритмасининг турли концентрациялари бактерицид таъсир этишнинг ҳар хил характериға эға. Ушбу тадқиқотлар диметилсульфоксид эритмасининг максимал кутилган бактерицид таъсирига 25%ли концентрациясида эришилганлигини аниқлади, бу эса диметилсульфоксиднинг ушбу концентрациясини ишчи эталон сифатида қабул қилиш имконини берди (расм 2).



2-расм. Диметилсульфоксид концентрациясидан келиб чиқиб бактерицид самараси динамикаси

2-расмдан кўриниб турибдики, диметилсульфоксиднинг 10% ли эритмасига таъсир эттирилганда 10^{10} мт / мл суьултиришда бактериялар билан уруғланган озука мухитига таъсир этилганда ўсиш кечикиш зонасининг диаметри $8 \pm 0,3$ мм атрофида эканлиги кузатилди. Патоген микроорганизмларга 15%ли концентрация таъсир эттирилганда, ўсиш кечикиш зонаси диаметри $13 \pm 0,3$ мм атрофида. Патоген микроорганизмларга 20%ли концентрация таъсир эттирилганда, ўсиш кечикиш зонаси диаметри $27 \pm 0,4$ мм атрофида.

Диссертациянинг «Йирингли жароҳатни даволашда 25% ли диметилсульфоксид эритмаси, аргон плазма оқими ва уларни биргаликда маҳаллий қўллаш самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобида йирингли жароҳатни комплекс даволашда 25% ли диметилсульфоксид эритмаси самарадорлиги, йирингли жароҳатларни даволашда аргон плазма оқими билан жароҳатларни маҳаллий жарроҳлик даволаш самарадорлиги, йирингли жароҳатларни даволашда 25% ли диметилсульфоксид эритмаси ва аргон плазма оқимини маҳаллий санациясини комбинациялаштириб қўллаш самарадорлигини баҳолаш натижалари келтирилган.

Турли йирингли жароҳатли 39 беморда (35,4%) (2 А гуруҳча) диметилсульфоксиднинг 25%ли концентрациясини қўллаш самарадорлиги ўрганилди. 2 А гуруҳчасидаги 39 беморнинг 28 тасида (71,8%) турли

ўчоқдаги юмшоқ тўқима йирингли касалликлари қайд этилди. Касалхонага келганда барча беморларда жароҳатланиш жараёнининг I фазаси бўлган.

Касалхонага келганда беморларда умумий интоксикация ҳолатлари устун бўлган: тана ҳарорати ошиши ёки доимий субфебрилитет, рангпарлик, камҳаракатлилик, заиф пульс фонида тахикардия, қон ЭЧТ ошиши, лейкоцитоз ва формуланинг чапга силжиши. Умумий белгилар билан параллел равишда касалликнинг маҳаллий кўринишлари акс этган эди: гиперемия, шиш вазароҳат соҳасида тўқималар инфилтрацияси. Даволаш жараёнида жароҳатни битиши натижасида ушбу кўрсаткичлар аста-секин меъёрлашди.

Шошилинич тартибда олиб келинган юмшоқ тўқималар йиринглаши билан касалланган барча беморларга йиринг ўчоғини очиш операцияси ва йиринг бўшлиғини антисептик 3% ли перекс водороди эритмаси билан санация амалга оширилди, жароҳат ўрни қуритилгандан сўнг 25% ли диметилсульфоксид кимёвий эритма билан санация, кейин эса левомекол суртмаси сурилиб, 25% ли диметилсульфоксид эритмаси антисептик доза билан боғлов амалга оширилди. 80% дан кўпроқ операциялар маҳаллий оғриқсизлантириш билан амалга оширилди. Беморларни кейинги даволаш усули операциядан кейинги жароҳатларда ва йирингли юмшоқ тўқима касалликларида ҳам бир хил бўлди.

Ушбу беморларнинг умумий ҳолати ҳам касалхонага келган вақтда ўртача оғирлик даражасида эди. Уларнинг барчаси умумий ҳолсизлик, дармонсизлик, операциядан кейинги жароҳатлар соҳасида оғриқлар, уйқунинг бузилиши ва иштаҳа йўқлигидан шикоят қилишган. Маҳаллий белгилардан 82,1% ҳолатда ўртача ёки яққол акс этган тери гиперемияси ва тўқималар шиши кузатилди. Операциядан кейинги йирингли асоратлар бўлган барча беморларда палпация орқали чуқур оғриқли инфилтрация аниқланди, жароҳат чоклари ечилганда суяқ йирингли ажратма ажралиб чиқди.

Диметилсульфоксиднинг 25% ли эритмасини қўллаш билан комплекс даволаш фонида 3 кунда жароҳат муҳити рН си $4,7 \pm 0,3$ ни ташкил этди, яъни, нейтрал томонга силжиш кузатилди. Жароҳат юзаси сатҳи кунига ўртача $1,3 \pm 0,3\%$ кичрайгани аниқланди. Жароҳат экссудатида оксил миқдори $5,45 \pm 1,4$ г/л гача камайган. ПК қайта ҳисоблаш ўртача $1,2 \pm 0,08$ бирликгача унинг ўсишини аниқлади. Даволашнинг 5-кунига келиб жароҳат муҳитининг рН си нейтрал муҳитга яқинлашган ($5,3 \pm 0,22$). Жароҳат юзаси майдони қисқаришининг суткалик улуши ўртача $2,7 \pm 0,10\%$ ни ташкил этди. Жароҳат экссудат оксили ўртача $48,3 \pm 2,04$ г / л гача камайди. Бунда ПК М.Ф.Мазурик бўйича $1,4 \pm 0,06$ бирликка тенг бўлди. Даволашнинг 7 суткасида жароҳат муҳити рН сини даволаш нейтрал кўрсаткичларга $6,7 \pm 0,27$ яқинлашди. Жароҳат юзаси саҳининг қисқариши ўртача $3,5 \pm 0,13\%$ га етди. Жароҳат экссудати оксили $45,4 \pm 2,20$ г/л га камайди. ПК $1,6 \pm 0,07$ бирликка тенг эди. Даволашнинг 9-10 кунда жароҳат муҳитини рН даволаш барқарор нейтрал

кийматга эга эди. Жароҳат юзаси сатҳининг қисқариши ўртача $3.7 \pm 0.16\%$ га етди.

